

ҲАММА КУЧ—ПАХТА ТАЙЁРЛАШДАГИ ҚОЛОҚЛИКНИ ТУГАТИШГА!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 200 (947)

6

ОКТАБРЬ
ЯКШАНБА
1957 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИЙИН

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

ҲАР БИРИНГИЗ МИНГЛАРЧА КИШИЛАР
НИНГ ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИ БИЛАН
ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛ ТАҚДИРИ УЧУН
ЧИНАКАМ МАСЪУЛИЯТ ҲИС ҚИЛИШИНГИЗ
КЕРАК. ҲАР БИРИНГИЗ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ 3
МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА УЧУН ФИДОКОРО
НА КУРАШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШНИ
ЎЗИНГИЗНИНГ ШАРАФЛИ ИШИНГИЗ ДЕБ
ҲИСОБЛАШИНГИЗ ЛОЗИМ. ҚАЕРДА ИШЛА-
ШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БИРОРТА ҲАМ
КИШИ ҲОЗИР АНА ШУ КАТТА, УМУМХАЛҚ
ИШИДАН ЧЕТДА ТУРИШИ МУМКИН ЭМАС.

Пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин оширайлик

Газетамизнинг кечаги сониди Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент об-ласт комитети ва меҳнаткашлар депутатлари об-ласт Совети ижроия комитетининг Тошкент об-ластнинг барча қўшқарчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва меҳнаткашларига Махтуби эълон қилинди. Бу Махтубда пахта териш ва топиришнинг ҳозирги аҳволи чуқур таҳлил қилинган ва бу соҳадаги қўлоқликни тезроқ тугатиш тадбирлари белгиланган. Маҳаллий партия, совет, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларининг энг муҳим вазифаси — Махтубда белгиланган тадбирларни тўла-тўқис амалга оширишдан, бугун куч ва моддий-техника воситаларини пахта тайёрлашда юз берган қўлоқликни тезроқ тугатишга сафарбар этишдан иборат.

«Пахта териш ва тайёрлашнинг, — дейилади Махтубда, — дастлабки даврдаги суръатнинг яқинлашган бўлиши баҳор ва ёз фаслида об-хаво шароитининг ноқулай келганидан туфайли ҳосилнинг кеч етилиши бери жиддатдан сабаб бўла олади. Лекин бу давр ўтиб кетди. Ҳозир ҳамма жойда пахта чамандек очилмоқда. Бу эса кунига об-ластини бўйича камда 2,5-3 процент миқдорда пахта териш ва топириш имкониятини бевосита.

Пахта тайёрлаш давлат планини 7 ноябргача бажариш учун биз яна 330 минг тонна пахта топиришимиз керак. Демак бизнинг бурчимиз — кунига 11-12 минг тоннадан пахта беришдан, яъни кундалик пахта топиришнинг 2,5-3 минг тонна кўпайтиришдан иборат».

Бу — оғир, лекин бажариш мумкин бўлган вазифадир. Илгори мулкдорлар, колхозлар ва совхозларнинг иш бунинг ақдоқ мисоли бўла олади. Бўстонлик, Оржоникизде, Пискент, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районлари меҳнатини яхши ташкил қилиб, пахта тайёрлашда юқори қўлаткичларга эришмоқдалар.

Бироқ, умуман олганда об-ластини пахта териш ва тайёрлаш иши мутлақо қоникарсиз бўлмоқда. Республика бўйича давлатга 1 миллион 200 минг тонна ёки 40 процентдан кўпроқ пахта топирилган. Қашқадар об-ластини 65 процент, Сурхондар об-ластини 75 процент ва биз билан мусобақадор Андижон об-ластини 45 процентдан ошириб бажарган бир вақтда, етарли ишчи кучи ва моддий-техника воситаларига эга бўлган Тошкент об-ластининг андижонга 28 процент пахта тайёрлагани, бунинг устига пахта тайёрлашда энг охири ўринда бораётганлиги сира кечирилмаслик бери қолди.

Қўй Чирчиқ, Чиноз, Бобут, Октябрь, Сирдарё ва Бекобод районларининг партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари пахта йигим-теримини ёмон уюштириб, мўлжаллагидан анча кам пахта топиришмоқдалар ва шу билан бутун об-ластини ордага қўймоқдалар. Об-ласт пахтачиларида салмоқли ўрин тутатиган Бекобод райони йигим-теримнинг дастлабки кунларида олдинги қаторда келаётган бўлса, пахта чамандек очилганда шу кунларда олтинчи ўринга тушиб қолди. Кунига 2,5 процентга етказиб пахта топириш имкониятига эга бўлган Сирдарё райони ҳали ҳам суръатини кўтара олмайди. Машҳур пахта усталарининг ватани ҳисобланган Янгийўл районининг пахта тайёрлашда бунчалик суъралиб қолганига ҳеч қандай об-ластнинг сабаби йўқ!

Ҳозир пахта йигим-теримининг энг ҳал қилувчи ва масъулиятли даврига кирдик. Тошкент об-ласт пахтакорларининг ишини шу кунларда бутун жамоатчилик, республикамизнинг ҳамма меҳнаткашлари кузатиб турибди. Ишининг ана шундай доимлар пайтида меҳнатини тўғри уюштириб, бутун кунини пахта

териш ва топириш соҳасидаги қўлоқликни тугатишга, суръатини кескин оширишга қаратиш керак. Ҳозирги вазият колхозчи ва совхоз ишчиларининг камида 90 процентини бевосита йигим-теримга қатнаштиришни талаб қилади.

Етиштирилган мўл ҳосилнинг тақдирини кўп жиддатдан теримчиларга, меҳнат-қайдочиларга ҳамда уларнинг фидокорона меҳнатига боғлиқдир. Ҳар бир теримчи теримнинг ҳозирги ҳал қилувчи даврида хирмонга кунига камда 100 килограммдан пахта топириши, ҳар бир меҳнат-қайдочи мавсумда 80 — 100 тоннадан «оқ олтин» териб бериш учун курашини доим. Энг яхши теримчилар ва илгори меҳнат-қайдочиларнинг тажрибасини кенг омдалаштириш, кўп миң килограммчилар қаторини кенгайтириш — муҳим вазифадир.

Шаҳар меҳнаткашларининг мингларча вакиллари, студентлар ва ўқувчилар, ишчи посёлкалари ва район марказларининг аҳолиси шу кунларда пахта теримига актив қатнашиб, бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта топириш юзасидан олдинги социалистик мажбуриятининг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўймоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари уларга ана шу дўстона, ватанпарварлик ёрдамлари учун миннатдорчилик билдиришмоқдалар. Шаҳарлик бирозарларимиз бунга жавобан пахта далаларида меҳнат гайратини янада оширишлари, хирмонга кунига камда 60 — 70 килограммдан пахта топириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишлари керак.

Меҳнатни тўғри уюштириш, теримчиларга унумли меҳнат қилиш учун ҳамма зарур шароитларни яратиб бериб, кунлик нормаларини ошириб бажарилишини таъминлаш йигим-теримдаги асосий, ҳал қилувчи масалалар. Об-ласт партия комитети ва об-ласт ижроия комитетининг Махтубида бундай дейилади:

«Колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари, ўртоқлар!

Пахта ҳосилини териб олишда меҳнатни ташкил қилиш тўғрисида пахта йўналиши. Теримчилар пахтани хирмонга олиб бериш учун қимматли иш вақтларини йўқотмайдиганликлари, умумий оқватларини ташкил қилишнинг асосий, ҳал қилувчи вақтини бекорга ўтказмайдиганликлари, дала шийонларида болалар боғчалари ва болалар ястларининг ташкил этилмаганлигига бепарво қарао бўлмайди. Пахта теримининг қизил кунларида меҳнатни ташкил қилиш, йигимини мустақамлаш, теримчилар ва пахта терим машиналарининг меҳнатлари учун зарур шароитлар яратиб бериш масалаларига эътиборсизлик билан қараган киши чинакам раҳбар эмас.

Об-ласт партия комитети ва об-ласт ижроия комитети колхоз ва совхоз раҳбарларининг, қишлоқ партия ташкилотлари секретарларининг эътиборини шунга қаратадики, улар пахта теримига чиққан шаҳар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар тўғрисида доимо ҳамхўрлик қилишлари, уларга унумли меҳнат қилиш учун барча шароитларни яратиб беришлари лозим».

Об-ластини қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари галла (шолдан ташқари), қоракўл тери, пилла, сўт, жүн, туҳум тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажардилар. Луб ва полиз ақиллари, сабабот ва картошка топириш планларини бажариш арафасида турибмиз. Октябрь олд социалистик мусобақасини кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш суръатини кескин ошириш, Ўлут Октябрьнинг 40 йиллиги кунига пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилишини таъминлаш — об-ластини меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчи, партия, совет ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Ҳамма куч — пахта териш ва топириш соҳасидаги қўлоқликни тугатишга!

Мусобақадор ўртоқларнинг муваффақияти ҳамма учун қувончлидир

ОЗАРБАЙЖОНДАН ТЕЛЕГРАММА

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номи колхоз
раиси ўртоқ Султоновга

Азиз Қодирқул!

Колхозимизнинг аъзолари Ўлут Октябрьни муносиб кутиб олиш учун сизнинг колхозингиз пахтакорлари билан мусобақалашиб, шунинг хурсандчилиги билан маълум қилади. Давлатга пахта топириш планини 2 октябрда муддатидан илгари 102 процент бажардик. 570 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 19,5 центнердан пахта олинди. Ватанга топиришдан ташқари яна 1200 тонна пахта топириш мажбурияти қабул қилинди.

Сизларга қизини саломларимизни йўллаймиз ва ишнингизда чин кўнгилдан муваффақиятлар тилаймиз.

Ю. ШИРИНОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Озарбайжон ССР Имишли районидаги
Жданов номи колхозининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОНДАН ТЕЛЕГРАММА

Имишли районидаги Жданов номи колхозининг раиси
ўртоқ Шириновга

Азиз Юсиф!

Ишлаб чиқаришда эришган галабангиз билан чин қалбимиздан таъриқлаймиз. Мусобақадор ўртоқларнинг муваффақияти ҳамма учун қувончлидир. Мамлакат пахтакорларининг олижаноб меҳнати социалистик Ватанимиз шувратини оширишга, совет кишилариининг турмушини кундан кунга тобора гўзал қилишга қаратилгандир.

Карл Маркс номи колхозининг ишлари ҳақида сизларга хабар қилишга руҳсат этгайсиз. Бу йил биз 980 гектар ерининг ҳар гектаридан 37 центнер, яъни топиришда белгиланган 3 центнер ортқ пахта етиштириш мажбуриятини олдик. Биз планини ҳозиргача 35 процент бажардик. Далада пахта ёппасига очила бошлади, бу эса дала ишлари суръатини яқин вақтларда тезлаштириб юборишга имкон беради. Ҳозирдаёқ ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда юз килограммгача пахта термоқда. Пахта теримда ишлаётган 800 колхозчини тўртдан бир қисми мавсумий нормасини ошириб бажарди.

Колхоз аъзолари умумхалқ байрами кунига ҳам планини бажаришга қатъий бел боғладилар. Ўша вақтда сизлар ҳам бизнинг галаба қувончимизни ўртоқлашасизлар, деб умид қиламиз.

Қ. СУЛТОНОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Верхне-волинск
районидаги Карл Маркс номи колхозининг раиси

Мирзачўллик чевар теримчилар

Сокина билан Султонов мавсум бошлайёқ бир-бирлари билан мусобақалашган, ўз зиммаларига 14-15 тоннадан пахта териб мажбуриятни олган адиллар. Мана, ўшандан бери бир неча ҳафта ўтди. Ҳар иккала чевар теримчи бир-бирларидан ўзиб кетди, бугун кечадан, ертага бугунгидан кўпроқ пахта териб мақсадига астойдил курашмоқдалар. Натига ёмон эмас. Ҳаммининг оғизига Сокина билан Султоновнинг номи. «Барака топишини, ҳалол меҳнатига яраша рўҳатини кўрайдилар» деган гаплар. Ҳар иккала дўстона чиндан ҳам ана шундай мақтовларга сазовор. Кунига 150-180 килограммдан пахта териб, ҳозиргача хирмонга 5-6 тоннадан «оқ олтин» топиришан бу чеварларни ҳурмат қилмай бўладими?!


Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг барча аъзолари пахта йигим-теримда Сокина Мусаева ва унинг дўстона Султонов Рамузовадан ўрнак олиб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан

дан илгари бажариш учун олиб борилаётган курашини кучайтирмоқдалар.

Мирзачўл колхозларида Сокина ва Султоновларга ўхшаган кўп миң килограммчи теримчилар аз эмас. Ленин номи колхозининг Умри Бобоева, Ҳурият Латипова, Ҳамдан Асенова, Х. Руштиева, «Ленинизм» колхозининг Муҳаббат Усмонова, Нисом Қурбонбоева, Аҳмад Ифдошев, Эргаш Уролатиев, Жданов номи колхозининг Гуднора Азиева, Суфия Туропова, Жуманова, Робий Ҳасанова каби чевар теримчилари шу кунгача мавсум нормаларини бажариб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам тўла адо этиш учун астойдил меҳнат қилаётдилар. Уларни мирзачўллик чевар теримчилар дейишга чиндан ҳам ҳақимиз.

Б. ОДИНОВ,
А. ОТАЖОНОВ,
Ж. ТУРДИБЕ,
А. ЗРГАНОВ,
М. АБДУРАИМОВ.

Биз энг ҳал қилувчи, энг масъулиятли даврга кирдик. Шу даврдаги йўқотилган ҳар бир кун уёқда турсин, ҳатто ҳар бир соат Ватанин пахта билан таъминлаш ишига катта пурот етказилади.



Илгори колхозларда пахта терим суръатини кучайтириш учун барча тадбирлар амалга оширилаётди. Теримчилар тўғрисида ҳамхўрлик қилинмоқда. Суратда: 1. Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг теримчилари К. Хўжахонова, Г. Алихўжаева ва Т. Султонова ўртоқлар теримдан кейин суҳбатлашиб турибдилар. 2. Оржоникизде районидаги Сталин номи колхоз аъзолари бу йил гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу кунларда колхозда терим суръати тобора кучайтирилмоқда. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Маннонов терилган пахтанинг сифатини текшириб кўраётди. 3. Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номи колхозда теримчиларга пул аванслари ўз вақтида, далада бериб турилади. Колхоз кассири Хўжамулоев кунига 180-200 килограммдан пахта тегайтган У. Маҳкамовга пул бермоқда.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957
ЙИЛ 5 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

М А Ў Л У М О Т

(Планга нисбатан процент
ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошланг бери
Бўстонлик	2,83	46,44
Оржоникизде	2,36	37,36
Пискент	2,12	36,20
Ўрта Чирчиқ	2,28	34,30
Юқори Чирчиқ	2,46	33,45
Бекобод	1,89	30,36
Бўка	2,08	29,71
Ўртасарой	2,18	29,15
Верхне-волинск	2,05	27,26
Охангарон	2,37	27,20
Мирзачўл	1,85	27,14
Гулистон	1,92	27,09
Оққўрғон	2,04	27,02
Сирдарё	1,72	26,11
Янгийўл	1,93	25,22
Октябрь	1,74	24,18
Бобут	1,51	23,46
Чиноз	1,84	22,83
Калинин	1,70	20,22
Қуй Чирчиқ	1,84	17,88

ОБЛАСТ СОВХОЗЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957
ЙИЛ 5 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

М А Ў Л У М О Т

(Планга нисбатан процент
ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошланг бери
6-«Қўроқ»	4,21	57,71
3-«Охангарон»	2,67	41,00
4-«Врежский»	2,29	36,46
1-«Пискент»	1,97	33,40
1-«Фарход»	1,00	32,52
«Чанок»	1,47	30,68
«Социализм»	1,84	30,24
Киров номи	2,32	30,16
«Дружба»	1,40	29,90
1-«Далварзин»	2,23	28,75
2-«Далварзин»	2,13	26,38
1-«Охангарон»	1,33	26,66
Оққўрғон	2,03	24,27
«Мирзачўл»	1,48	24,24
«Гулистон»	1,55	21,91
2-«Охангарон»	2,75	20,34
1-«Бобут»	1,61	19,88
«Малик»	1,81	18,60
Булагини номи	1,04	18,16
«УзССР беш		
Янгийўл	1,84	17,88
3-«Бобут»	1,33	17,44
Бушув номи	0,73	17,27



Янгийўл районидаги «ХХ партсъезд» колхозининг аъзоси Уктам Топшўлатова мавсумда 15 тонна пахта териш учун курашмоқда. У кунига хирмонга 210-220 килограммдан пахта топираётди. Суратда: Уктам Топшўлатова.

Хайридин САЛОҲ

Бир жон, бир тан бўлиб кўтарилди эл

Фаровон куз келди ўзбек ерига,
Чаман водиларда етилади ҳосил.
Белни маҳкам боғлаб, йигим-теримга —
Бир жон, бир тан бўлиб кўтарилди эл.

Кечга шаҳарли бугун далада,
Игитлар қадрдон, қизлар дўғона.
— Жим туриб бўларми, — деб, — шу паллада?
Ишлайди қари чол, қартайган она.

Ҳатто севинганлар ишлар бима-ён,
«Хирмонлар бўлсин, — деб, — тоғдай пурвиқор».
Пахтадир дилларга бахш этган қувонч,
Пахтадан ўзбекнинг қалбиди ажвор.

Келди сувадан галвир кўтариш чоғи,
Кичини кўрсатар дўстлар, ўртоқлар...
Онага ийилган гўдан тисили
Силинми: «Неп!» — дейди бўлиб чаноқлар.

Дўстлар!
Тез тарайлик, тўлсин этанлар,
Қўлин қовуштириб кутиб турмас куз.
Ҳаёт шундагина гуллар тиланлар,
Ҳаёт шундагина шувут бўлмас юз.

Оқшомлар улансин кумуш саҳарга,
Майлига тунлари ишлайлик бедор,
Дамба-дам қарвонлар йўллаб шаҳарга,
Минутлар ўтмасин беҳуда, бедор.

Паркув, булутларни йўлда қолдириб,
Хирмонлар кўнларга надар юксалин.
Шунда севинчилардан нон қардош-дўстлар
Чин қалбдан тилабга дейди «офарин!»

Ўқувчилар ёрдами

Бутунттифок қишлоқ хўжалик савоқасига бориш ҳуқуқини олган Янгийўл районидаги 15-Сталин номи мактаб ўқувчилари ўтган йили ўз оталикларидаги «ХХ партсъезд» колхозига 500 тонна «оқ олтин» териб берган адиллар. Колхоз раҳбарининг аҳли ўқувчи ва ўқитувчилар коллективининг самарали меҳнатини тақдирлаб, «Луч» маркали телевизор, бир қўй ва пул билан мукофотлаган адил.

Мактаб ўқувчилари Бобут районидаги 14-Димитров номи ўрта мактаб ўқувчиларининг муножаатига қўшилиб, бу йил 550 тонна пах-

та териб беришга қарор қилдилар. Ҳозир 8-10 синфларнинг 200 дан ортқ ўқувчилари 9-10 тоннага етказиб пахта термоқдалар.

10-синф ўқувчиси Тўхтам Туробова, Тўлқин Шарипов, 8-синф ўқувчиси Номоз Хикоевлар кунига 120-130 килограммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлишадилар. Ҳозирга қадар мактаб ўқувчилари колхозга 85673 килограмм пахта териб беришди.

Ғ. ҚУЗИЕВ,
Х. ЖАЛОЛОВ.

Ҳозирги вазият колхозчи ва совхоз ишчиларининг камида 90 процентини бевосита йигим-теримда иштирок этишини талаб қилади.



Полевской криолит заводининг 50 йиллиги

Полевской криолит заводининг ишга туширилганга 50 йил бўлди. Бу корхонанинг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари учун ва унинг эллик йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Полевской криолит заводини Меҳнат

Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Заводнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва кизматчиларидан катта гуруҳи ордени ва медаллар билан мукофотланди. Жами 76 киши мукофотланди. (ТАСС).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИСИНING 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН


СССР халқларининг қардошлик оиласида

Совет Озарбайжони гуллаб-яшнамоқда

(Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ўртоқ С. М. ЖАЪФАРОВ билан суҳбат)

Совет ҳокимияти шарониди ўтган 40 йил мобайнида Озарбайжон меҳнаткашларининг ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлди.

Ярим кустар ҳолидаги саноат, қолоқ даражадаги қишлоқ хўжалиги, ярим феодал муносабатлар революциядан илгари Озарбайжон ҳаётини жуда характерли эди. Ҳозир бундай гапларни фақат китоблардан Кўнш-у, бизнинг кексаларимиз — Кўншларнинг ҳикояларидан эшитиш мумкин.



Мингчаур ГЭСи. Г. Пастушков фотоси.

Совет ҳокимияти йилларида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 30 марта кўпайди. Озарбайжонда саноатнинг тамомилан янги тармоқлари: қора ва рангли металлургия, машинасозлик, электротехника, химия саноати ва бошқалар барпо қилинди.


Нефть ҳамон республика эконимикасининг асоси бўлиб қолмоқда. Озарбайжон нефти ўз сифати билан мамлакатдаги энг яхши нефтидир. Илгари Бокунинг ўзининга қуриб олган нефть минералларини эндиладан Кура дарёсига туташган пастте-кисликларда, Катта Кавказ тоғ оёқларида, Каспий денгиз сувларида ҳам қўриш мумкин. Ҳозирги замон техникаси билан қурулган ятарган эски қорхоналар билан бир қаторда ҳозир ноб ёқилги етказиб бераётган кўнгина янги қорхоналар ишлаб турибди. Совет ҳокимияти йилларида суяқ ёқилги қазиб чиқариш олти мартадан кўпроқ, табиий газ чиқариш 71 марта кўпайди.

Ифтихоридир, Бу ГЭС бутун Туркияда ҳозир ишлаб чиқарилаётган электр қувватига тенг келаётган қувват беради.


Ҳозир Озарбайжонда аҳоли жон бошига электр қуввати ҳисоб қилиш Италия ва Япониядагига нисбатан 2 марта кўп бўлиб, Европий Германиядагига тенг келади.

Социалистик қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Пахта экинчи майдонлари 1913 йилдаги даражадан қарийб 2 марта кенгайди, пахта яши ҳосили эса 5,5 марта кўпайди. Республикада пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 3 мартадан зиёд бўлди. Бу Озарбайжонда деҳқончилик маданияти жуда ўсганлигини кўрсатувчи далилдир.

Республиканинг қишлоқ хўжалик балансида кузги бугдой етиштириш мўҳим ўрни тутади. Озарбайжон галлакортлари Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб равишда қутиб олиш учун мувабқалашиб, бу йилги галлакортларини янги муддатидан илгари 200 минг пуд кўп галлакортларни берди.



Озарбайжон ССР. Дашкесан қонларининг бойитиш фабрикаси. Ю. Каплуи фотоси.



Совет ҳокимияти йилларида Апшерон ярим ороли таниб бўлмаё даражада ўзгариб, янги нефть қазини қорхоналари, ишчи посёлкалари барпо қилинди. Апшероннинг барча районларини ўзаро боғлаётган уларча километр электр темир йўли қурилди. Суратда: электр темир йўли поезди «Лениннефть» қорхонасида.

БОБОМ НАСИҲАТИ

Бобом тиккан чинор ости тинч, хилват, Елга тушди бобом айтган насиҳат... Ултираман кенг соҳилда сокин, жим, Қалқиб келган тўқинларда ҳаёлим.

Атрофимда ҳаёт яшнар, пурвиқор, Узоқларда текис, яшил, чаманзор, Хўшбўй утлар билан ўйнаб пайлар-пай, Қирлар ошиб эсар шабада тинмай.

Республикадаги студентлар сонини ҳар бир 10 минг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Франциядагидан қарийб уч марта кўпдир. Олий ўқув-юртлари Озарбайжон учунгина эмас, шунингдек бошқа республика ва областлар учун ҳам малакали мустахассислар тайёрлаб бermoқда.

Республика фанлар Академиясида ҳамда бошқа илмий-техник муассасаларида бирлашган озарбайжонлик олимлар совет фани тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Иллан-йилга кўркам ва обод бўлиб бораётган Озарбайжон шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарибди. Республика меҳнаткашлари Сумгаит, Мингчаур, Дашкесан каби янги шаҳарлар билан ҳақин суратда фанларидилар.

Совет ҳокимияти йилларида республика босиб ўтган йўл — Коммунистик партия ва унинг синалган Марказий Комитети раҳбарлиги остида озарбайжон халқи босиб ўтган кураш ва галлаблар йўлидир.

Жўшиб оққан тошқин сувга боқарди, Юзи яшнар, қалбидан куй оқарди. — Бу эли дов, — дерди менга чол ҳар он, Севгин, бобонг севган каби ҳар қачон.

Баҳор чоти қирлар яшаб қулганда, Хусни ортиб қўкси гулга тўлганда, Киш ойлари ёққанида оппоқ қор, Мен севаман, унинг меҳри улугвор.

Езу-қиши, дарё, водн-экинзор, Соя ташлаб турган бу қадим чинор, Узоқдаги баланд тоғлар ҳаммаси, Ҳаётбахш нур сочган кўш жилваси, Булут, ёмғир-экинларни яшнатган, Ҳаммасини жондан азиз севаман!

1) Қисқартириб босилди.

Озарбайжон нефтьчиларининг фидокорона меҳнати тубайли денгизда нефть қорхоналари пайдо бўлади. Ҳозир бу қорхоналар республикада қазиб чиқарилаётган бутун ёқилгани қарийб 30 процентини бермоқда.

Озарбайжон ССР саноат комплексда машинасозлик катта ўрин тутади. Совет ҳокимияти йилларида машинасозлик маҳсулоти 95 марта кўпайди.

Заказкалдедаги энг катта Мингчаур ГЭСи озарбайжон халқининг



Революциядан илгари Озарбайжонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Ҳозир бу ерда ўн мингларча йигит ва қизлар таълим олаётган 14 олий ўқув юрти бор. Институтлар учун махсус бинолар қурилган. Суратда: Бокудаги Озарбайжон политехника институти. Ф. Шевцов фотоси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника комитети

Тошкентда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Давлат илмий-техника комитети ишга тушди. Комитет раиси республика Фанлар Академиясининг академиги М. Т. Ғабриелов УЗТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Илмий-техника комитети ватан ва чет эл фани ва техникасининг энг янги ютуқларини, маҳаллий ерости бойликлари запасларидан фойдаланиш имкониятларини ўрта-таъриф ва энг олдига вазифа қилиб қўяди. Комитет зиммасига институтларнинг, проектант ташкилотларининг ва конструкторлик бюраларининг энг мўҳим илмий тадқиқотларини ва проект-конструкторлик ишларини, шу жумладан республика Фанлар Академиясининг энергетика, ядро физикаси, химия-геология масалаларига доир, қишлоқ хўжалик фанлари Академиясининг — қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, автоматлаштириш ва электрлаштириш масалаларига доир ва бошқа соҳалардаги энг мўҳим илмий тадқиқотларини координациялаштириш вазифаси юкланди. Комитет илмий-техник иш ва тажриба-конструкторлик ишлари соҳасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тасдиқлаган лавининг муассаса ва ташкилотлар томонидан бажарилишини контрол қилиб туради.

Комитет энг мукаммал машиналар, механизмлар ва приборларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш юзасидан, буюмлар ишлаб чиқаришининг прогрессив технологик процессларини жорий қилиш, ерости бойликлари қидириш ва уларни қазиб чиқаришни йўлга қўйиш, синтетик материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, саноатда, пахтачиликда ва қурилиш индустриясида ишлаб чиқариш, процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан республика Министрлар Советига тавсияномалар топшириб туради.

Илмий-техника комитети илмий техника мувабқалашларини, энг мўҳим ихтироларни, рационализиаторлик тақлифларини ва илгортларнинг тажрибасини тезлик билан ишлаб чиқишга ва саноатда ҳамда қурилиш индустриясида жорий қилишга қорхоналарга, илмий-техник институтларга, конструкторлик бюраларига ва олий ўқув юртларига ёрдам беришни лозим.

Комитет ватан ва чет эл фани ҳамда техникасининг энг янги ютуқларини пропаганда қилиш билан шуғулланиб, қорхоналардаги илмий-техника ахборот — оғандарининг фанларини мувабқалаштириш, саноат ва техникасининг ватан техникасини кўрсатишининг тематикасини қараб чиқиш ва тасдиқлаш, энг мўҳим тилаги машина, механизм, аппаратларнинг, янги материалларнинг ва юқори ўнумли технологик процессларнинг проекторларини ишлаб чиқиш учун конструкторлар ташкил этади. Комитет энг яхши проекторлар учун авторларни мукофотлайди.

Комитет зиммасига айрим техника проблемалари ва масалалар юзасидан махсус илмий техника конференциялари ва кенгашларни тақририш, фан ва техниканинг турли масалаларига доир брошюралар, журналлар ва информация бюллетенлар натижа этиш вазифаси юкланди.

Комитет коллегияси тасдиқланди ва шу йилининг охиригача қилинадиган ишларининг лавини тузди.

ТАСС ахбороти

Ернинг сунъий йўлдошларини яратиш соҳасида Совет Иттифоқида бир қанча йиллардан буйи илмий-техник иш ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориламоқда.

СССРда Ернинг сунъий йўлдошларини биринчи марта учиртиш халқаро геофизика йилининг илмий тадқиқотлар программасига мувофиқ мувабқалашгани илгари маълум қилинган эди.

Илмий-техник институтларнинг ва конструкторлик бюраларининг энг бериб олиб борган катта ишлари натижасида Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдоши яратилди. 1957 йил 4 октябрда СССРда биринчи йўлдошни учиртиш мувабқалашган равишда амалга оширилди. Дастлабки маълумотларга кўра, учиртувчи ракета Ернинг йўлдошига секундида қарийб 8.000 метрдан иборат зарур орбита тезлигини берди. Ҳозирги вақтда йўлдош Ер теваришида эллиптик траекториялар бўйича учиб юрмоқда ва унинг учиртиши Кўш чикқан ва ботган вақтдаги нураар орасида энг оддий оптик асбоблар (бинокль, дурбин ва шу кабилар) воситаси билан қўриш мумкин.

Бевосита кузатишлар йўли билан ҳозирги вақтда амалга оширилган халқаро йўлдош, йўлдош Ер сатҳидан 900 километргача бўлган баландликда учиди. Йўлдош 1 соат 35 минут ичида Ер теваришини айланиб чиқади, орбитанинг экватор текислиги билан ташкил қилган бурчати 65° га барабар. Ернинг йўлдоши 1957 йил 5 октябрда Москва шаҳри райони теваришида янги марта, яъни Москва вақти билан кечаси соат 1-46 минутта ва артаб соат 6-42 минутта учиб ўтади. СССРда 4 октябрда учиртилган биринчи сунъий йўлдошнинг буанд кейинги ҳаракати тўғрисида хабарлар радиотансациялар орқали мунотазам суратда ошитирилади.

Йўлдош диаметри 58 сантиметрга барабар шар шаклида бўлиб, унинг оғирлиги 83,6 килограммдир. Унга иккита радиопередатчик ўрнатилган. Бу радиопередатчиклар 20.005 ва 40.002 мегагерц частотали радиосигналлари тўғрисида бериб туради (тўқин узунлиги 15 ва 7,5 метрга яқин). Передатчикларнинг қувватлари радиосигналлариинг жуда кўп радио ҳа-

ТАСС ахбороти

васкорлар томонидан бемаълум қабул қилинишини таъминлайди. Сигналар 0,3 секунд давом этадиган телеграф сигналлари шаклида бўлиб, паузалар ҳам худди шунча давом этади. Бир частотанинг сигналлари иккинчи частотанинг паузалари вақтида берилади.

Совет Иттифоқининг турли қисмларида жойлашган илмий станциялар йўлдошнинг ҳаракатини кузатишмоқдалар, ва унинг траекторияси элементларини аниқламоқдалар. Атмосферанинг юқори қатламларининг энгилчи аниқ маълум бўлмаганлиги сабабли йўлдошнинг қанча вақт мавжуд бўлишини ва унинг атмосферанинг аниқ қатламларига қараганда жойини аниқ белгилаш учун ҳозирги вақтда маълумотлар йўқ. Қилинган ҳисоблар шунини кўрсатади, йўлдошнинг гоят катта тезлик билан ҳаракат қилиши натижасида у шиваризда бир неча ўнлаб километр баландликда атмосферанинг аниқ қатламларига бериб етган вақтда ёниб кетади.

Россияда 19 асрнинг охиридаёқ атоқли олим К. Э. Циолковскийнинг асарларида ракеталар ёрдами билан космик учиртишлар амалга ошириш мумкинлиги биринчи марта илмий аниқланган асосланган эди.

Ернинг исон яратган биринчи йўлдошнинг мувабқалашган равишда учиртиш билан жаҳон фани ва маданияти халқасига жуда катта ҳисса қўшди. Шунчалки катта баландликда амалга оширилган илмий тажриба космик фазонинг ҳусусиятларини билиш ва қуш системасининг планетаси сифатида Ерни ўрганиш учун гоят катта аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи халқаро геофизика йили мобайнида Ернинг яна бир неча сунъий йўлдошларини учиртиш мўлажалланди. Буилан кейинги учиртишларини ана шу йўлдошларнинг табири ва вақти ошитирилади ҳамда уларда илмий тадқиқотларнинг кенг программаси амалга оширилади.

Ернинг сунъий йўлдошларни планеталаро саёҳатларга йўл очиб беради ва, афтидан, билинг замондошларимиз янги, социалистик жамият кишиларининг эркин ва оғил меҳнати ишонатининг энг дадил оғуриларини қандай қилиб рўбга чиқаришини қўришга мувабқалаш бўлсалар керак.

СОВЕТ ВА НЕМИС ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ДУСТЛИГИ УЧУН

Германия Демократик Республикаси эълон қилинган нунга бағишланган тантанали кеча

Совет кишилари немис халқининг ҳаётидаги тарихий воқеани — Германия Демократик Республикаси эълон қилинган кунга 7 октябрда саккиз йил тўлишини кенг нишонламоқдалар. Ана шу тарихий воқеага бағишланган Москвада тантанали кеча ўтказилди. Кечани сиёсий ва илмий биллиларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти ҳамда Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти ташкил этди.

Политехника музейининг катта зали байрамдагидек безатилган. Бу ерда Москва қорхоналарининг ишчилари, олимлар, маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, студентлар тўпаландилар.

Меҳмонлар орасида Германия Демократик Республикасининг СССР даги Фаваққоҳда ва Мухтор элчиси Иоганнес Кенг, ГДР Элчихонасининг ҳодимлари бор эди. Кеча қатнашчилари немис дўстларини самий табриқладилар.

Тантанали кечани профессор Н. В. Пуховский очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси немис аъзоларининг адибда Германия Демократик Республикасида бориб келган делегацияси бошлиғи П. Г. Москатов нутқ сўзлади.

Кечада СССР Мелиция фанлари Академиясининг ҳаққий аъзоси профессор Н. Н. Жуков-Вережников, СССР халқ артисти Р. Н. Симонов, шoir Е. А. Лозматовскийлар ҳам сўзладилар.

Кеча қатнашчилари самий кутиб олган Германия Демократик Республикасининг СССР даги ваъчиси Иоганнес Кенг катта нутқ сўзлади.

Пировағида И. Кенг немис халқи билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик шарафига табриқ сўзлари айтди.

Кечанинг охирида катта концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

МАТБУОТ ОБЗОРИ

«Сталин байроғи» газетаси Бўка районидан чиқади. У район партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг оғанди. Газетанда район ҳаётига доир материаллар озми-кўми бериб борилади.

Лекин шуниси борки, газета редакциясидаги ўртоқлар район ҳаётини бир томонлама ёритмоқдалар. Бунини шундан билса бўладики, газетанда кўпинча «катта мувабқалаш» ҳақидаги хат-хабарлар босиб чиқариламоқда. Танқидий материалларга эса кўп вақтдан бери газета саҳифасидан жой тегмапти. Онда-сонда берилаётган ва теба-тесвара жумлалар, тўғтоқ тоғлар билан чиқатган имзосиз «танқидий» хабарларда ҳам фақат қолхозларнинг номлари санаб ўтилади, қолқилиннинг сабаби кўрсатилмайди.

Мана газетанинг 3 июль сони. Унда бошмалоқда ва учта ижобий материал билан бирга «Еру йўл» сарлавҳали салкам бир саҳифа мақола ҳамда чет эл хабарлари. Ундан кейинги бир неча сонда ҳам нуқуз ижобий материаллар босилган. Бу яхши. Лекин газетанинг июль ойидаги солларини кўздан кечириб чиқсангиз, фақат 2 та танқидий материал босилганини кўриб, Бўка районидан гўё ҳамма иш жойида экан деган хулосага келиш мумкин. Ваҳоланки ундай эмас. Райондаги бир қатор қолхозларда гўё парварини дарида ҳам, пахта йигимтерини давом этаётган ҳозирги вақтда ҳам катта камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Газетанинг кўн сони область ва республика газеталаридан кўпчилигидан, УЗТАГдан олинган катта-катта материаллар билан тўзиб чиқади. Район ҳаётига доир материалларнинг деярлик ҳаммаси радиз жумлалар билан ёзилган, илмий хатолар, қайтарик иборалар кишининг гапига тегади.

Масалан, газетанинг 25 июль

Ахир бу қандай гап?

сонда босилиб чиққан «Кўк Арча» («Кўкоро» дейилмоқчи) соҳовида гўё парварини қонқарисиз бормоқда» сарлавҳали имзосиз танқидий мақолада бундай жумлалар босиб: «Пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш ва қилинган ҳосилини (7) санлаб қилиш учун суғоришни аҳамиятини ҳар бир киши тушунади». Шу хабарнинг ўзида «Суғорини нотўғри суғорилиши натижасида пахта қўнлаб сарғайиб кетган» каби хомхатал жумлалар қаланиб ётибди.

Қўйида ана шундай «қўнлаб-мақом» жумлалар, пала-партиш иборалардан яна бир нечасини мисол келтиришимиз ва қийноққа солиб қўйганимиз учун хурматли ўқувчиларимиздан узу сўраймиз.

«Районимиз давлатга 32 минг тонна пахта етказиб беришда пахтанор ва механизатор ўртоқларининг зиммасида катта вазифа турганини билан бир қаторда районимизнинг партия, совет ва бошқа ташкилотлари олдига ҳам катта вазифа бўлиб туради, у ҳам бўлса Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «1957 йил август ойида гўё парваринини ўтказиш ҳақидаги нароғига асосан ҳар бир киши гўё парваринида ўз ҳиссасини қўйиши лозим». (Газетанинг 12 август сонида босилган «Барча кўн гўё парваринида жалб қилинсин» сарлавҳали хабардан).

Газетанинг 22 август сонидан бир хабардан «Лекин жигилдонини ўйлаган, ферма мудирлари эса шу кунга қадар қорва молларини кишини ем-хашдан тўллаш ҳақида «мончурлик» маслаҳат беришдан нароғи ўтмай хашдан тайёрлашни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар» каби жумлаларни ҳам ўқийсиз.

Яна бир мисол келтирармиз: «Некхос правленесининг раиси Робин Наримова, бошланғич партия ташкилотининг секретари Исома Иброгимов ва агроном Нинашвили

„ТАРИХ ТИЛГА КИРДИ“

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

VIII - КУРИНИШ

«Сирди ўқоқнинг давоми. Наби Бори, Шукрулло, Орипов, Ҳўжа Хўжаев, Гани Гаффорзодалар.

НАБИҚОРИ. Агарда биз уш ҳа-лок қилишдан қўрқсак, барибир душман ҳаққа қилади. Германиядан олдин ҳам бўлиб Мухлиснинг ти-рик ҳолида Чекавинг қўлига тушуви ҳақоқатнинг бошланғичидир. (Пау-за). Майли тақдирингиз. (Бир не-қабар Бадрийни олиб киради). Сиз Бадрий жамиятининг поғлоқ ҳа-тини зўр таҳлика остида қолдирин-гиз. Пантукризм бўлиб қараб тур-ган уш юзлауларни сўзидирингиз йўл очингиз. Ниқоб ипини душман қўлига тутқазингиз.

ОРИПОВ. Жамиятининг ҳаёти билан ёш бошларча ўйнашган шах-са ўлим!

БАДРИ (шошило). Мухтарам афандилар, маълумингизки, мен жа-мийатининг тарихига қора доғ бўл-гудай ҳеч иш қилмадим. Билас-ми душман ичиде ўз бўлиб юриб, жамиятининг бутун тошириқ-ларини амалга оширдим. Фирқа кў-митасидан мағлубият меннинг гуно-ҳим эмас. Мен Рафиқ, Закиевлар, Мансурларнинг далилларига мумкин қадар зарба беришга уриндим. Биз-да пантукризм ўқоқдаги бўлиши мумкин эмас, чунки бу ер болше-визм мамлакатидир. Бироқ (анти-қиб) Гаффор отага юборилган мак-тубингиз ўқилиши ва Закиевларнинг пайғамбарона башоратлари олди-ла бўлиб, ўзини тамом йўқотиб қўйдим.

НАБИ. (газабланиб). Ҳазини йўқ-отиб қўйилганларнинг жазоси ўлим!

ҲАММА. Ўлим!

БАДРИ (шошило). Тўхтаган афандилар. (Пауза). Саркобти афанди, илтимос қилманг сизлар, меннинг пантукризм-пан-исломизм, ниқоби остида қилган қабилаларимни, ўлим олдига сузалаган гапларимни дафта-рингизга кўчириб олингиз. Ўлим айтингизки, дунёга келиб Бадрий афанди ҳеч иш қилмай кетди де-манг! Бадрий афанди йиртқич ҳай-волларга намуна ўлароқ кўп иш-ларни бажарди. «Эзингиз саркобти афанди, шоди бўлиб эзингиз. Ай-тингизки, Бадрий афанди мингларчи хонавайрон қилишга фармон берган, унга раҳбарлик қилган, кишилик саодати учун курашамиз деб, уни раёлатга судлаган бир жамият-нинг аъзоси эди. Қўлинг оҳангари, ўлим фарёларидан бўлган келган «қурбон-тўппонча» тамғали қора ўрғунчақ уясининг таъкидлогилари-дан эди. Темур, Мехри, Қўрқмас-ларчи: туҳмат занжирига солган, маъсуа қиз Зухрани макр билан бўлиб ўлдирган, миллионларни бахт-сизликка судлаган қора жамиятнинг қора юзи киши эди. Курашлар тасмаси билан айланувчи кеска та-рих ўз ишчи қилди. Жамиятнинг истибоблининг хушқўли ўлароқ менга вақтинча қафас бичди. Вақт-сиз қафас бичди!.. Эзингиз, саркобти афанди, шундай эзин-гизки, келажакнинг кишилари, та-рих бетидан бизни қилдирган вақт-ларда, баъдаки мезонинг Ваҳоб Бадрий қаби қара қарақмонларини қўлидан билан топа олсинлар (бошлиқ томонга қараб). Отингиз, «Ижтимоий Шўролар жумҳурияти номидан» отингиз! (Аттиқ қулади, қуралди киши бошқиннинг имо-си билан отади. Бадрий хандаққа йи-қилди).

НАБИҚОРИ. Афандилар, энди бу ердан кетиш, бошқа жойга бориб, уя қўйиш керак. Сиз, Гани афанди, бу ерданги ҳужжатларни бошқа ерга кўчирингиз. (Гани баъзи ҳужжат-ларни олиб, жўнатди). Темур бил-дан Қўрқмас бир-бирларига кўра-тагани йўқми ҳали?

ОРИПОВ. Йўқ.

НАБИҚОРИ. Саркобти афанди, хатини эниб тайёрлаганми?

Гани. Тайёр, афанди, тайёр.

НАБИҚОРИ. Бўлмаса аввал Темур-ни олиб келинг!

(Темурни олиб киради. Темурнинг соғи, соқоли ўсган, кўзи, қўли бо-ланган).

Темур, сен бизнинг томондан Гаф-фор отага юборилган хатини қим-га тоширигининг айтимади. Гарчи сен у хатини Мансурга бериб, бизни ўлим таҳликасига солган бўлсанг-да...

ТЕМУР. Бу меннинг тилагим эли! НАБИҚОРИ. Биз сени бўшатмизга қарор бердик.

ТЕМУР. (Истеҳзо билан). Бунга сиз мажбурсиз.

НАБИҚОРИ. Лекин сен мана бу хатга қўл қўйишга мажбурсан. Сар-кобти афанди, хат ўқисен!

Гани (қўйди). Мансур ва Рафиқ ўртоқлар! Ўшдан бери сизлардан узоқлашган гуноҳкор ўртоқингиз Темурдан сизлар билан бирлигимиз, ниқо-бти оми-қўлини хизмат қилдим. Лекин ариманга ва ўз шахсий ман-фаатим учун аҳамияти бўлган ба-зи бир арамас ҳаракатларим билан бутун ниқобий хизматларимни бир пўт қилдим. Мен сизларнинг эли-гизда уятландим... Мен Рафиқ ота-нинг қизи Танизохонни ахши кўраб эдим. Бахтга қарши уни Ваҳоб Бадрий ўлғот ҳам севар эдил. Ҳар иккимизнинг оралида, бир неча вақт киши билмас жанжаллар кетди. Танизохонга, отанинг оқлангига ердан берман деб, алаб уни зўр-ладим. Бу ҳаракат мендай кишилар учун уят эди. Мен тюрмада ётган вақтда Танизохоннинг Ваҳоб Бад-рий ўртқ томондан Берлинга қўчи-ла боғорилаганини эшитиб, ўзини йўқотиб қўйдим. Бир кун кечаси юз-лик найралар билан тюрмадан қочиб чиқиб, бирмунча вақтлар, Бадрий ўлдирш пайдага юрдим. Ниҳоят, ақилда уни одам қўли из-гамас бир жойда отиб ташладим. Жиноят устига жиноят қилдим. Ме-ни аф-отингиз, ўртоқлар. Бадрий қа-би бир коммунистни ўлдирдим. Хо-зир мен ўлкамизнинг зўроқ бир бур-чагига ўлим Қўрқмас билан қочиб юрдим. Гаффор отага ёзилган мак-туб меннинг томонидан ўйланиб чи-қарилган қалбаки бир хат эди. Унга орток эътибор қилмангиз. Сизларга салом билан гуноҳкор ўртоқингиз Темур. (Хат ўқилганда Темур қўл газабланиб туради).

НАБИҚОРИ. Мана сиз, қалам-шум хатга қўл қўйсиз. Шундагина биздан марҳамат бўлиши мумкин.

ТЕМУР (ниҳоят газабди). Эҳ, сиз—қалитал қуларин, муштум-зўр болалар, Ватанфурш-миллафурш хонлар!.. Сволотлар! (масхаради).

Ҳўжа. Мехри ва бир неча киши аскарлар кириб, ўраб олдилар.

РАФИҚ. Кўтар қўлингиз!

Қўрқмас. Қим. Рафиқ амаки...

РАФИҚ. Қўрқмасжон.

МЕХРИ. Болам! (Мехри Қўрқмасни қучиб, кўзини ечади. Бошқалар ни-қобдорларнинг қўлини бошқаб олиб чиқди).

Қўрқмас. Ойжон... Дадажон...

Дадажон қаранглар.

(Мансур Темурнинг бошини тизза-сига олиб).

НАБИҚОРИ. Темур ака.

МЕХРИ. Қани даданг, қани ме-нинг Темурим?

(Темур жон берди).

Баҳодирим. Баҳрамоним... Қани Те-мурнинг қотиллари, кўрсатинг у-суларини! Қўларини ўяман. Қора қўрақларини олиб олам!

(Рафиқ Мехрини суйди) Темур, сени ўлтирганга мени ўлдирса бўл-масми! Нечун кечикиб келдик. Хайит нечун қотиллар чағалдан Темурни қутқазиб оламиз!

ЗАКИВАНЕВ. Метиндан қаттиқ эди Темурнинг иродаси. Ажойиб мард, жушқин қалб, мурасиш болшевик Темурнинг курашчан ҳаёти, келажак аялоқ учун мусас-сам ибрат намунаси бўлиб қолди.

Хали сомулган жасаднинг олдига биз жангдор дўстларнинг бош эга-ми, онг-ичамиз. Сенинг ороула-рининг рўёбга чиқасин учун!

ҲАММА. Сенинг ороуларининг рў-ёбга чиқасин учун!

ЗАКИВАНЕВ. Халқ саодати учун, ҲАММА. Халқ саодати учун.

ЗАКИВАНЕВ. Синфсиз жамият ку-риш учун.

ҲАММА. Синфсиз жамият куриш учун.

ЗАКИВАНЕВ. Ленин йўлига со-диқ бўламиз.

ҲАММА. Ленин йўлига содиқ бў-ламиз.

ЗАКИВАНЕВ. Ленин васиятлари учун курашамиз!

ҲАММА. Ленин васиятлари учун курашамиз!

Парада

ТАМОН

1957 йил, июль.

СССР Олий Совети делегациясининг Шанхайда бўлиши

ШАНХАЙ, 4 октябрь (ТАСС). Бу-гун куннинг биринчи ярмида СССР Олий Советининг А. Б. Аристов бошлиқ делегацияси Суэц йў-сининг ўзи-музейини бориб кўрди. Делегацияга Ли Ци-Шэнь, Ван Шоу-дао, Шанхай шаҳар халқ ко-митети раисининг ўринбосари Цао Ди-цзо ва бошқа кишилар ҳамроҳ бўлиб боришди.

Музей билан танишиб бўлгандан кейин делегация бошлиғи А. Б. Аристов фахрий меҳмонлар даф-тарида қўйилган ёзувини қолдирди: «Уш революционер-демократ Суэц йў-сини тўғрисидаги хотирани шу қадар авайлаб ва меҳр билан сақ-лаб турган уш дўстимиз — хитой халқи билан фахрланамиз».

Сўнгра делегация аъзолари Шан-хай меҳнаткашларининг Малайия саройига бориб, бу ерда Шанхай-даги ишчилар ҳаракати тарихи тў-ғрисида ҳикоя қилувчи донийм вис-тавкини, шунингдек шаҳардаги иш-лаб чиқариш корхоналарининг му-ваффақиятларини кўрсатилган

Хайралиб кетганда ўртоқ А. Б. Аристов делегация номидан Малайия саройига Ригада ишлаб чиқарилган энг янги «Юкс» ра-диоласини ва бир қанча пластин-каларни совға қилиб тоширди.

Делегация аъзолари Лу Синь му-зей билан муфассал танишиллар ва Лу Синьнинг қабрига: «СССР Олий Советининг делегацияси — уш Хитой ёзувчиси Лу Синьга» деб ёзилган гулчамбар қўйилди.

Делегация шунингдек Хитой-Со-вет дўстлиги саройига ҳам бўлди. Бу ерда ҳозир совет халқ маорифи виставкаси очилган. Виставка шан-хайликлар ўртасида катта шухрат қозонмоқда.

Хитойда В. И. Ленин асарларининг нашр этилиши

ПЕКИН, 4 октябрь (ТАСС). Халқ нашриёти В. И. Ленин асарлари-нинг 33-томни хитой тилида боси-либ чиқди.

Мўғулистон телеграф агентлиги тузилди

УЛАН-БАТОР, 4 октябрь (ТАСС). «Улан» газетаси Мўғулистон Халқ Республикасида Мўғулистон теле-граф агентлиги — МОИЦАМЭ ту-зилганлиги тўғрисида бугун хабар берди. Агентлигининг директори қи-либ Ж. Зундуй тайинланди.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

◆ Югославия Иттифок халқ скупштинасининг Стамболчи бошчи-лигида делегацияси 4 октябрда Пекинда Кантон орқали ўз вата-нига жўнаб кетди.

◆ Япония ҳукуматининг такли-фига мувофиқ, Хиндистон бош ми-нистр Неру 4 октябрда Токиога кетди. Аэропортда Нерунга ва унинг ҳамроҳларини бош министр Киси, ташқи ишлар министри Фузума ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари, шунингдек жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

◆ Кубада прогрессив арбоблар қаттиқ таъбиб этилмоқда. Полиция ҳамма ёқни тинтиб, кўп кишини қамоққа олмақда. «Нью-Йорк таймс» газетаси мухбирининг бил-диришича, қамоққа олиналган ора-сида Куба ёшлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири Леонель Сото ҳам бор.

◆ Корея Марказий телеграф агентлиги Жанубий Корея агентли-кларининг хабарларига асосланиб, қўйилганлиги билдириди: лисин-манчилар ҳукумати 1 октябрдан бошлаб автобус, трамвайларга қат-наш, кема ва паромларга юк та-шини нархнин оширишга қарор бе-рди. Трамвайда қатнаш ҳақи 66 про-цент, автобусда қатнаш ҳақи 50 процент, юк ташини ҳақи 60-80 про-цент оширилди.

◆ Жапон овозлиги миллий фронтининг раҳбарини баёот эълон қилди. Бу баёотда айтили-шича, Жапонга мустақиллик бе-рилмагунча Жапон ва Франция ва-киллари ўртасида музокара олиб борилиши тўғрисида сўз ҳам бўли-ши мумкин эмас.

4. октябрь (ТАСС).

ПОЭЗИЯ КЕЧАСИ



Шу йил 4 октябрда, Тош-кентдаги Ҳамид Олимжон номи адабиётчилар уйда ёзувчилар билан китобхоналар-нинг учрашуви ўтказилди. Адабиётчилар уйда ҳар қа-чонидан ҳам кўп одам йи-гилган эди. Китобхоналар бугунги учрашувда отқолди со-вет шоирлари Павел Анто-кольский, Константин Симо-нов, Берди Кербоев, Гафур Ғулом ва бошқа шоирларнинг шеърларини эшитишга йи-гилганлар.

Забастон совет ёзувчилар союзи раисининг секретари Назат Суатов учра-шуви кечасини очди ва йи-гилганларга мурожаат қилиб, китобхоналар билан учрашув совет ёзувчиларининг энг ахи-си традицияси бўлиб қо-лганлиги, бугунги учрашувда эса пойтахт китобхоналари қардош халқлар адабиётининг йирк вакиллари билан уч-рашиб, уларнинг ижодий иш-лари билан танишилари айтилди.

Минбарга кеска совет шо-ирларидан бири Павел Анто-кольский кўтарилди. Ўзбек китобхоналари Антокольский-ни ахши билдилар. Унинг машҳур «Ўғил» поэмасини ва бошқа бир қанча шеърларини ўз тилида ўқитилди.

Антокольский йигилганлар-га мурожаат қилиб, тошкент-да китобхоналар билан учра-шуви муяссар бўлганидан беҳал хурсанг эканлигини айтиди, сўнг, ўзининг «Арбат орқасидаги тор кўча» деган

Шоир Мамарасул Бобоев кеча қатнашчиларига Кон-стантин Симоновнинг «Дўстлар ва душманлар» китобидан «Канадада бўлган митинг» шеърини ўз таржимасида ўқиб берди ва ўзининг «Она шахрим дoston» номи янги шеърлар цикли билан таниш-тирди. Константин Симонов Б. Кербоевнинг «Вайрам» шеърини ўқийди. Китобхона-лар ҳар бир шоирнинг ишти-рини қизини кутиб оладилар.

Суратда: (ўнгда) К. Симо-нов шеър ўқимоқда. (чапда) кеча қатнашчилари.

яни китобдан парча ва «Ажойиб лаққа ҳақида баъла-да» лирик шеърини ўқиб бе-ради. Йигилганлар шоирни қизгин таъриқлайдилар.

Отоқди шоир Гафур Ғулом китобхоналарини шу кунларда ёзган янги шеърлари би-лан таништирди. Шоир Улуғ Октябрнинг 40 йилгига ба-ғишланган катта шеърдан парча ўқийди, шеърда Ок-тябрь кушининг ҳаётбахш нурлардан баҳрамани бўлган халқларнинг ҳаёти, револю-ция доҳиси Улуғ Лениннинг ёшқин образи, улуғ айём кун-ларда халқлар ўз устозини йўқлаши тарафун этилган.

Қардош туркман халқининг улкан адаби Бери Кербое-вининг номи бутун мамлака-тимизга машҳурдир. Унинг минбарда пайдо бўлиши билан эллада гулдор қарсак садо-лари кўтарилди. Отоқди туркман ёзувчиси Бери ога кечада бошқаларга бағишлан-ган янги шеърини ўз она ти-лида ўқийди.

Шоир Мамарасул Бобоев кеча қатнашчиларига Кон-стантин Симоновнинг «Дўстлар ва душманлар» китобидан «Канадада бўлган митинг» шеърини ўз таржимасида ўқиб берди ва ўзининг «Она шахрим дoston» номи янги шеърлар цикли билан таниш-тирди. Константин Симонов Б. Кербоевнинг «Вайрам» шеърини ўқийди. Китобхона-лар ҳар бир шоирнинг ишти-рини қизини кутиб оладилар.

Суратда: (ўнгда) К. Симо-нов шеър ўқимоқда. (чапда) кеча қатнашчилари.

Забастон совет ёзувчилар союзи томонидан ташкил-етилган поэзия кечаси марок-ли ўтди. Китобхоналар ёзувчи-лар билан учрашув кечасини бениҳоя мамун бўдилар ва бўлиб учрашувлар тез-тез бўлишини истаб қолдилар. Китобхоналар учрашувдан кей-ин авторлар билан суҳбат-лашдилар ва улардан авто-графлар олдилар.

Суратда: (ўнгда) К. Симо-нов шеър ўқимоқда. (чапда) кеча қатнашчилари.

Касаба союзларининг IV жаҳон конгресси очилди

ЛЕЙПЦИГ, 4 октябрь. (ТАСС). Бугун Лейпцигда «Конгресс-Халле» биносида касаба союзларининг IV жаҳон конгресси очилди. Соат 9 га-ча эллада делегатлар ва таъриф этилган кузатувчилар тўпландилар. Конгресснинг очилишига Германия Демократик Республикаси Министр-лар Совети раисининг ўринбосари Г. Рау ва Германия Демократик Рес-публикасининг бир қанча минист-рилари келдилар. Матбуот ва радио-нишлари билан монополиячиларнинг янги ён беришлари эришини ва меҳнаткашлар ҳақоқининг ахшила-нишига муваффақ бўлиш учун каса-ба союзи ҳаракати қайи йўлдан бо-риши лозимлигини баёнлашлари мумкин.

Шундай қилиб, деб давом эттирди Ди Витторно, Жаҳон касаба сою-злари федерацияси ишчилар синфи-нинг бирлиги принципларига садо-қатини яна бир марта таъкидлайди. Бу принцип 1945 йилда Жаҳон каса-ба союзлари федерацияси тузил-ган вақтдаги уш асос қилиб олин-ган эди. Ди Витторно, конгресс ўз-олида турган вақтларга муносо-б равишда ишлайи ва бутун дунё меҳнаткашларининг ороу-умидларига жавоб беради деб ишонч билди-рди.

Ди Витторно конгресс ишнинг қўйилган кун тартибин таъкиф этди:

1. Бутун дунёда касаба союзла-рининг фаолияти тўғрисида ҳамда меҳнаткашларнинг турмуш даража-сини ошириш учун, уларнинг ик-тисоий, социал ва демократик ҳу-қуқлари учун, қуролсизланиш, тинчлик ва миллий мустақиллик учун курашда халқаро касаба сою-зи ҳаракатининг қардошлик алоқалари ва бирлигини ривожлантириш тў-ғрисида доклад.

Докладчи — Жаҳон касаба сою-зи

лари федерациясининг бош секре-тари Лу Сайян.

2. Мустақилакчиликка қарши ку-рашда касаба союзларининг вазифа-си.

Докладчи — Бутун Хиндистон касаба союзлари конгрессининг бош секретари Ш. А. Данте.

3. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги fondi пралинесининг таърифи тўғрисида таъкидлади. Тўғрисида ҳамда унинг халқаро бир-дамлигини янада ривожлантириш учун қандай ёрдам бера оlishи мумкинлиги тўғрисида ҳисоботи.

Докладчи — Судан меҳнаткаш-лари касаба союзи бирдамлигининг бош секретари Аҳмад Ашшаф.

4. Ревизорларнинг ҳисоботи.

Докладчи — «ЭВН» хаалничеси Р. Смит (Голландия).

5. Жаҳон касаба союзлари феде-рациясининг устувати тузатишлар кичитиш тўғрисида таъкидлади.

Докладчи — Жаҳон касаба сою-злари федерациясининг секретари Луижи Грасси.

6. Жаҳон касаба союзлари феде-рациясининг раҳбар органларини ва ревизорларини сайлаш.

Конгресс қатнашчилари кун тар-тибин бир овоздан тасдиқлайди-лар.

Эркин немис касаба союзлари бирдамлигининг раиси Г. Варик конгресс қатнашчиларини ГДР ка-саба союзлари номидан таъриқлай-ди. ГДР Министрлар Совети раис-ининг ўринбосари Г. Рау Германия Демократик Республикасининг ҳу-кумати номидан таъриқ нутқи сўз-лади.

Конгресс ўзининг биринчи маж-лисида иш регламентини ва иш ко-миссияларининг составини ҳам та-сдиқлади.

Редактор З. ЕСЕНБОВ.

Урта Осиё республикалари ва Қозғистоннинг традицион спартакиадаси тантанали вазиятда очилди

ФРУНЗЕ 5 октябрь. (УТАГ мах-сус мухбири). Еркин қўш нурла-рида чўчган қардош Қирғизистон пойтахти байрамларидек гажам. Бугун бу ерга анис меҳмонлар — икки мингта яқин йигит ва қизлар тўпланган.

Соат 16 га Фрунзе шаҳрининг Марказий стадиони кишилар билан лик тўлган эди. Тамонабилар ора-сида Ўзбекистондан, Қозғистондан ва бошқа республикалардан келган жуза кўп спорт ҳавасқорлари бор.

Ўзбекистон, Қозғистон, Туркме-нистон, Тожикистон, Қирғизистон-нинг энг кучли спортчилари қозло-налар майдондан тапанган сурат-да ўйнади. Колонналарда номла-дан бутун Ватанимизга машҳур бўл-ган кўпгина спортчилар бор: улар жуза кўп халқаро мусобақаларда Ватанимизнинг спорт шухратини муваффақиятли равишда ҳимоя қи-лдилар.

Спортчилар майдонда сафта ти-ялди. Қирғизистон КИ Марказий

Комитетининг секретари М. Абдиқу-лов спартакиада қатнашчиларига ва тамонабиларга қарата таъриқ нут-қи сўзлайди.

Бу спартакиада ўз қатнашчилари-нинг сони ва программаси жиҳати-дан шу спорт йилида энг катта воқеалардан биридир. Спартакиада Урта Осиёда ва Қозғистонда спор-ти ривожлантириш соҳасида эри-шилган гоят катта муваффақият-ларни акс эттирди. Бу республика-лардаги спорт коллективларини хо-зир бир миллиондан ортиқ киши-ни бирлаштирмоқда. 1950 йилда мусобақалар спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган эди. Бу йил эса спартакиада қатнашчилари спорт-нинг 22 тури бўйича биринчилик учун курашдилар. Байдарка ва ко-ноеларда юриш, стент отиш, сувга сакраш, суз полони, хоҳирин замон пилбоғиш бўйича мусобақалар биричи марта программга кири-тилди.

Стадион устида қизил байроқ кў-тарилди. Бу байроқ спартакиада — Урта Осиё ва Қозғистонда физкул-тура ҳаракатининг муваффақиятла-рига традицион кўрик бошланган-дан хабар беради.

Бутун стадионларда дастлабки мусобақалар ўтказилди.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг хотин-қиз баскетболчилари коман-далари ўртасида қизгин кураш бошланиб кетди. Ўзбекистон спорт-чилари 40:39 ҳисоби билан енгиб чиқдилар. Валеболчиларининг уч-рашуварлари зўр қизқинч тугиди. Тожикистоннинг хотин-қизлар ко-мандаси кучли рақибни — Қоз-ғистон ССР командасини ютди. Ўз-бекистон волейболчилари Тожики-стон спортчиларини 3:1